

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ
САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**“Чарм буюмларини конструкциялаш ва
технологияси” кафедраси**

КУРС ИШИ

**Мавзу: “Кичик корхона учун смена қуввати бўйича
поябзал асосий материалига бўлган эҳтиёж”**

Бажарди: Қўчқоров У

12-20-13 гуруҳ

Текширди: Жўраев А

Тошкент-2017

Курс лойихаси ҳисоби.

Кириш.....	3
1. Пойабзал конструкциясига тавсиф ва модел паспортини тўзиш.....	11
2. Пойабал устки ва таглик асосий материалларига тавсиф.....	28
3. Размер ва тўлалик ассортименти ҳисоблаш.....	41
4. Деталларни ўрта-миёна майдонларини ҳисоблаш.....	50
5. Чарм материалларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш.....	59
6. Ночарм материалларига бўлган эҳтиёжларни ҳисоблаш.....	62
7. Бир модел учун материаллардан фойдаланиш фоизини ҳисоблаш.....	75
8. Пойабзал деталларини жойлаштиришни аниқлаш.....	76
Ишга хулоса.....	78

КИРИШ

Хозирги кунда чарм пойабзалларининг ривожланиш йуллари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки босқичидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос тамойилига асосланиб, ўз иқтисодий ислохотларини амалга ошириб келмоқда. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар муҳим тўзилмавий тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган. Маълумки, пойабзал маҳсулотлари, аҳолининг кундалик турмуш тарзида энг зарур эҳтиёжлари қаторида туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган пойабзал саноатини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисидаги қарори ижроси туфайли чарм-пойабзал тармоғиянги босқичга кўтарилди.

Мутахассислар ҳозирги вақтда жаҳон чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг асосий ҳудуди Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари дейишмоқда. Бунинг сабаби эса, у ерда меҳнат харажатлари қийматининг пастлиги, инвестиция муҳитининг ижобийлиги ва табиий ресурсларнинг кўплигидир. Жаҳон чарм ва пойабзал ишлаб чиқаришининг 2/3 қисми айнан мана шу минтақаларда жойлашган. Ишлаб чиқариш маркази Ғарбий Европа ва АҚШдан ишчи кучи нархи арзон бўлган мамлакатлар: Жануби-Шарқий ва Ўрта Осиё, Жанубий Америка мамлакатларига кўчди. Мамлакатлараро пойабзал ишлаб чиқаришда Жануби-Шарқий Осиё, биринчи навбатда, Хитой етакчилик қилмоқда. Пойабзал саноатининг ҳар иккинчи жуфти Хитойда ишлаб чиқарилади. Бу мамлакат – пойабзал ишлаб чиқариш ва етказиб беришда пешқадам. Жаҳон пойабзал ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг (йилига 13,5 млрд. жуфт) тахминан ярми Хитойга тўғри келади.

Ривожланган мамлакатлар техник жиҳатдан мураккаб, ўта замонавий ва юқори сифатли махсус чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Пойабзалнинг вазифасига кўра, бозор таркибида унинг ярмидан ортиғини (55 фоиз) кундалик пойабзал ташқил этади. Кундалик пойабзал улушининг катталиги нафақат маҳаллий бозор учун, балки ҳар қандай мамлакат бозори учун ҳам хосдир. Иккинчи ўринни спорт пойабзали эгаллайди (13 фоиз), у мамлакат ёшлари ўртасида кундалик пойабзал сифатида ҳам оммалашган. Модабоп пойабзал улуши ҳам тахминан шунчага тенг (12 фоиз). Бу, асосан, аёллар ва қизлар пойабзали ҳисобланиб, анъанавий ўзбек оилаларида қизлар сепининг (турмуш қураётганда қизнинг ота-онаси ёки қариндошлари томонидан бериладиган мулк) таркибий қисми ҳисобланади. Махсус пойабзаллар улуши – 8 фоиз, хонаки – 7 фоизга тенг. Сафар пойабзали улуши энг кам бўлиб, 5 фоизни ташқил этади.

Пойабзал бозорининг қиймат таркиби миқдор таркибидан бироз фарқ қилади. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, бозорнинг қиймат ҳажмида туфлилар улуши катта (31 фоиз). Шу билан бир қаторда, сандалларнинг улуши 17 фоизга, ярим ботинкалар – 18 фоиз, ботинкалар – 14 фоиз, этиклар – 16 фоизга тенг. Бунда ёш-жинс таснифида аёллар ва эркаклар пойабзали улуши қиймати бўйича фарқ қилади, вазифаси бўйича модабоп ва махсус пойабзаллар миқдор кўрсаткичларига кўра фарқланади. Маҳсулот қиймат ҳажми таркибининг бундай бўлишига сабаб, ички пойабзал бозори таъминотчилари томонидан белгиланган пойабзаллар нархидаги тафовут ҳисобланади.

Ҳозирда республикада пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан қуйидаги корхоналар шуғулланмоқда:

- “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар;
- Уюшма таркибига кирмаган, шунингдек, ҳудудий тасарруфдаги корхоналар;
- давлат рўйхати гувоҳномаси асосида пойабзал ишлаб чиқариш ёки тикиш билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар;
- импорт қилувчилар;

- юқорида қайд этилган гуруҳлардан бирига тааллуқли яширин ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар.

Ҳисобларимизга кўра, 2000-2011 йиллар давомида сотилган пойабзаллар умумий миқдорининг чорак қисмини хорижда ишлаб чиқарилган пойабзаллар, 14 фоизни маҳаллий ишлаб чиқарилган резинали пойабзаллар ва 12 фоизни чарм, тўқимачилик ва комбинацияланган пойабзаллар ташкил этган. Шу билан бирга, пойабзал бозорининг қиймат ҳажмида импорт пойабзал фақат 4 фоизга, бошқа икки тоифадаги пойабзал улуши мувофиқ равишда 9 фоиз ва 20 фоизга тенг бўлган. Бозорнинг миқдор ва қиймат ҳажмидаги бундай тафовут нарх параметрлари билан боғлиқ.

Расмий маълумотларга кўра, пойабзал маҳсулотлари етказиб берадиган асосий мамлакатлар Эрон, Хитой, Молдова, Россия ва Туркиядир. Таъкидлаш жоизки, Эрон Ўзбекистон ички бозорига пойабзал маҳсулотлари етказиб берадиган асосий расмий таъминотчи ҳисобланади (йилига 4 млн. жуфт). Кенг турдаги пойабзал маҳсулотларининг яна бир таъминотчиси Хитой ҳисобланади. Хитой товарлари, шу жумладан, пойабзал маҳсулотлари ҳам нархи бўйича рақобат устунликларига эга. Туфли ва сандалларнинг 35 фоизи, ярим ботинкаларнинг 15 фоиз ва ботинкаларнинг 6 фоиз мана шу мамлакатдан келтирилади. Молдова Ўзбекистон ички бозорини пойабзал маҳсулотлари билан таъминловчилар рўйхатида 2000 йилдаги еттинчи ўриндан 2008 йилга келиб иккинчи ўринга чиқиб олди ва у ҳозирда туфли ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда бир қатор рақобат усутунликларига эга. Россия эса аксинча, бу даврда ўз мавқеини маълум даражада йўқотди. Туркия эса, модабоп пойабзалларни мунтазам равишда етказиб бермоқда.

Импорт тўзилмасида туфлилар улуши ўсган бўлсада, уларни миқдор жиҳатдан етказиб бериш улуши камайиб борди. Агар 2001 йилда импорт 15,6 млн. жуфт пойабзални ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб у 3,6 млн. жуфтгача камайди. Бу даврда, шунингдек, бошқа турдаги пойабзаллар импорти ҳам қисқарди. Айниқса, сандаллар импортида кескин камайиш

кўзатилди (57 марта), бунинг сабабини ички маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўсиши (кўпроқ резинали шиппаклар) ва яширин импортнинг кўпайиши орқали изоҳлаш мумкин. Экспертларнинг фикрига кўра, ёш-жинс таснифи ва вазибаларига кўра, қонуний импорт таркиби умумий бозор ҳажми таркиби билан деярли бир хилда.

Яширин пойабзал бозорининг ўртача йиллик ҳажмида Хитойдан келтириладиган пойабзал маҳсулотлари улуши катта. Яширин бозорнинг деярли ярмини жинс ва ёш таркиби бўйича, асосан, хориждан келтириладиган аёллар пойабзаллари ташкил этади.

Бозор таркибида пойабзал маҳсулотларини қонуний ишлаб чиқариш, сотиш ва импорт улуши миқдор жиҳатдан 56 фоизни, қиймат жиҳатдан 42 фоизни ташкил этди. Пойабзал таъминотчилари савдоси динамикасида муҳим тафовутларни кўзатиш ва яширин бозорнинг ўсишини қонуний импортнинг камайиб бориши орқали тушунтириш мумкин. Пойабзал ишлаб чиқариш соҳаси бўйича юқорида келтирилган муаммолар ва уларни бартараф этиш орқали мазкур тармоқни Ўзбекистонда ривожлантириш, пойабзал ишлаб чиқариш, сотиш, импорт қилиш тизимини такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон республикаси саноатининг таркибий қисми сифатида чарм-пойабзал тармоғининг ҳолати юзасидан ўтказилган таҳлил қуйидагиларни очиб берди:

- пойабзал маҳсулотлари импорти улушининг маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқаришдан сезиларли равишда устунлигини;
- пойабзал бозори ҳажмининг ўсиб боришини, бу эса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тўғри рақобат вазиятида ўз иқтисодий аҳволини яхшилаб олишларига имкон бериши;
- қиймат ва маҳсулот кўрсаткичларини ҳисоблаш усулининг мураккаблигини;
- ахборот асимметриясининг мавжудлигини.

Яқин истиқболда Ўзбекистон пойабзал саноати учун бош мақсад – аҳоли эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган миқдорларда маҳаллий пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мамлакатнинг импортга қарамлигини бартараф этишдан иборат.

Бироқ бунинг учун корхоналар ўз фаолиятларини аниқ режалаштириб олишлари ва Ўзбекистонда пойабзал ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллариини белгилаб олишлари талаб этилади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон пойабзал саноати корхоналарида бундай режалаштириш куйидаги муҳим йўналишлар орқали белгиланиши мумкин:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича корхоналар кўламини мувофиқлаштириш;
- товар сифатини ошириш ҳисобидан рақобат устунлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини мавсумий янгилаш йўли билан товар сиёсатини мукаммаллаштириш;
- корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишига ёрдам берадиган воситаларни ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, чарм-пойабзал саноатини ривожлантириш йўналишлари тармоқни ресурс билан таъминлаш; корхоналарни техник қайта жиҳозлаш; кадрлар салоҳиятини яхшилаш; товарнинг ҳаёт циклига инновацион ёндашув; ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш мақсадида пойабзал тармоғининг янада оптимал ташқилий тўзилмасини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш орқали пойабзал саноатининг рақобатбардошлигини оширишга ва маҳсулотлар рентабеллигини кўтаришга, айланма маблағларнинг ҳаракат тезлигини кучайтиришга, Ўзбекистонда пойабзал истеъмол бозори улушини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Чарм – пойабзал товарлари ички бозорнинг шаклланиши шароитлари ушбу тармоқнинг ривожланиши учун ҳал қилиши мумкин бўлган катор муаммолар турибди.

Булар давлат муассасаларининг молиявий маблаглари билан чегараланган саноат корхоналарининг ўзаро алокалари бўзилиши оқибатида келиб чиққан хом-ашё ва материаллар таннарни муаммодир.

Ички бозорда чарм пойабзал товарларининг рақобати мавжуд. Импорт пойабзал товарларига бўлган эҳтиёж юқоридир.

Маҳаллий чарм пойабзал товарларининг рақобат бардошлиги эса юқори эмас. Бу уларнинг жаҳон бозорига чиқишига тускинлик қилади.

Маҳсулот сифатининг пасайиши томоннинг товарлар сифати ва структурасини такомиллаштириш йўналишида ривожланиши Билан боғлиқ бўлган илмий – тадқиқот ишларининг сусайиши оқибатидадир.

Чарм пойабзал тармогидаги ислохотларнинг мақсад ва йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23-февральда чиққан «Республика иқтисодиётининг чарм пойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тугрисида» ги фармойишида аниқлаб берилган ва аниқ вазифалар қўйилган.

Пойабзал сифатини ошириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосан ишлаб чиқаришни унинг ташқил қилинишини яхшилаш асосида қувватлардан самарали фойдаланиш корхоналарни реконструкциясини ва қайта техник жиҳозлаш технологик жараёнларни такомиллаштириш, хомашё ва материалларнинг замонавий турларини қўллаш захираларидан тежамли ва унумли фойдаланиш йўли билан жадаллаштириш кўзда тутилган.

Курс ишишнинг вазифаси ва мақсади.

Курс ишишнинг асосий мақсади – Талабаларни «Чарм – буюмлар технологияси фанидан олган назарий билимлар ва амалиётда олган билимларни мустахкамлаштириш, нормаллаштириш, фойдаланиш фоиизи ва пойабзал материалларидан оқилона самарали фойдаланишни урганиш »

Курс иши вазифаси – бичув ва тикув цехларини асосий материалларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш.

Курс иши вазифаси

Курс иши вазифасини талабаларни ишлаб чиқариш жойларига қуйгандан кейин раҳбар томонидан берилди.

Курс иши вазифаси 8 хил турдаги пойабзалларни устки ва таг материалларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ишини бажаришда чарм буюмлар технологияси кафедрасидаги домлалар консултациясига биноан бажарилади.

Ишлаб чиқариш топшириғи

Жадвал – 1

№	Пойабзал жинси ва тури	Қолип шакли	Модел	Бириктириш усули	Смена кувва ти
1	Аёллар қўнжи калта этиги	843221	717	Елимлама	550
2	Аёллар ёзги туфлиги	81124	0389	Елимлама	550
3	Болалар ботинкаси	64224	717	Елимлама	750
4	Аёллар қўнжсиз ботинкаси	8133-	5017	Елимлама	650
5	Эркаклар қўнжсиз	У7	191	Елимлама	600
6	батинкаси	911227	71	Елимлама	800
7	Аёллар ёзги очик туфлиси	811227	0587	Елимлама	650
8	Эркаклар сандалети	931216	010	Елимлама	800

I-регион

2. Пойабзал конструкциясига тавсиф ва модел паспортини тўзиш

Пойабзалга тавсиф беришда қуйидагилар берилиши керак. Пойабзал расми ва унга тулик характеристика берилади – пойабзал тури, жинси тоновор конструкцияси ва пойабзални устки ва таглик материаллари бириктириш усули, таглик ва пошнаи.

Пойабзални ГОСТ ёки ТУ булимга пойабзал артикули ва қолип фасони тавсифга асосланган ҳолда пойабзал конструкцияси паспорти ва структура жадвали тўзилади.

Деталлар қалинлиги тайёр пойабзал учун ОСТ-171283 «Обувь бытовое для детали низа обуви» ва ОСТ-178-83 «Обувь бытовое детали и заготовки верха обуви» асосан аникланади.

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури – қўнжи калта этик
2. Пойабзал жинси -аёллар
3. Қолип фасони – 843221
4. Қолип тўлалиги – 4
5. Бириктириш усули – елимлама
6. Устки материали – хром яловка
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрлаган– 26167-84
8. Тоновор конструкцияси- бетлик, қўнж
9. Таглик – кожвалон
10. Пошна – шакилланган

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфт пойабзал деталлар сони	Тайёр пойабзал қалинлиги	Материал номи	Материал ДАСТ ёки ТШ
1	Бетлик	2	0,8-1,5	Хром-яловка	ГОСТ 939-88
2	Қўнж	4	0,2-,1,3	Хром-яловка	ГОСТ 939-88
3	Пошна копламаси	2	0,8-1,5	Хром-яловка	ГОСТ 939-88
4	Жияк	4	0,7-1,3	Хром-яловка	ГОСТ 939-88
5	Қўнжли устки кисм	2	0,7-1,3	Хром чарм	ГОСТ 939-88
6	Қўнжли олд кисми	2	0,9-1,3	Хром чарм	ГОСТ 939-88
7	Қистирма	4	0,9-1,1	Вилюр чарм	ТУ177284-83
8	Қистирма 2	2	0,9-1,1	Вилюр чарм	ТУ177284-83
9	Чунтак	2	0,9-1,5	выросток	ГОСТ 940-88
10	Бетлик остки ва	4	0,2-1,4	сунъий муйна	ТУ17091-83
11	қўнжи	2	0,9	сунъий муйна	ТУ 17091-83
12	Қўйма патак	2	3,5-3,1	кожвалон	ГОСТ
13	Таглик	2	2-2,2	бикир чарм	ГОСТ 1010-78
14	Патак	2	2,7	бикир чарм	ГОСТ 1010-78
15	Бикир дастак	2	1,7	бикир чарм	ГОСТ 1010-78
16	Тумшуқ ости	2	1,8-2,2	картон	ГОСТ 9542-75
17	Тўлдиргич	2	+	Метал	ОСТ17-24-83
18	Супинатор	2	1,8-2,2	Шаклланган	НТД
19	Пошна	2	1,8-2,2	П/у	ГОСТ9542-75

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури- ёзги туфли
2. Пойабзал жинси – аёллар
3. Қолип фасони – 81124
4. Қолип тўлалиги –4
5. Бириктириш усули- елимлама
6. Устки материали – хром выросток
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрланган – 19116-84
8. Тановар конструкцияси – Тановар, бетлик тасма товон тасмаси иборат.
9. Таглик – бикир чарм
- 10.Пошна – Ғовакли резина

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфт пойабзал. деталлар сони	Таёр пойабзалдаги қалинликлар	Материал номи	Материал ДАСТ ёки ТШ
1	Бетлик тасма	2	0,6-1,4	X\выросток	ГОСТ 939-88
2	Тиргак	2	0,5-1,3	X\выросток	ГОСТ 939-88
3	Товон тасмаси	2	0,7-1,2	X\выросток	ГОСТ 939-88
4	Бетлик тасма астари	2	0,5-1	X\выросток	ГОСТ 939-88
5	Тиргак	2	0,2-0,5	выросток	ГОСТ 940-81
6	Товон тасма	2	0,2-1,1	выросток	ГОСТ940-81
7	Қўйма патак	2	0,2-1,1	выросток	ГОСТ940-81
8	Таглик	2	3,5-3,5	Бикир чарм	ГОСТ 1010-78
9	Асосий патак	2	2-2,1	Бикирчарм	ГОСТ1010-78
10	пошна	2	8-10	Ғовак резина	НТД

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури – қўнжсиз ботинка
2. Пойабзал жинси – болалар
3. Қолип фасони – 64224
4. Қолип тўлалиги – 4
5. Бириктириш усули -елимлама
6. Устки материали – хром выростик
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрланган – 26165-87
8. Тановар конструкцияси –бетлик+ён дастак.
9. Таглик –ғовак резина
10. Пошна – йук.

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфт пойабзал. деталлар сони	Тайёр пойабзалдаги қалинликлар	Материал номи	Материал ДАСТ ёки ТШ
1	Бетлик тасма	2	1,0-1,6	Х\выросток	ГОСТ 939-88
2	Гулчин	2	1,0-1,6	Х\выросток	ГОСТ 939-88
3	Тилча	2	0,9-1,6	Х\выросток	ГОСТ 939-88
4	Ён дастак	4	1,0-1,6	Х\выросток	ГОСТ 939-88
5	Безак	4	0,9-1,6	Х\выросток	ГОСТ 939-88
6	Юмшоқ кант	4	0,6-1,1	Х\выросток	ГОСТ 939-88
7	Дастак ости	4	1,1+1,5	Полу кожни	ГОСТ 940-81
8	Чунтак	2	1,1+1,5	Полу кожни	ГОСТ940-81
9	Бетлик ости	2	0,9-1,2	Тик саржа	ТУ177284-83
10	Тўлдиргич	2	1,8-2,2	Кортон	ГОСТ9542-75
11	Таглик	2		Говакли резина	
12	Асосий патак	2	2,7-3,4	Биқир чарм	ГОСТ 1010-78
13	Биқир дастак.	2	2,7-3,4	Биқир чарм	ГОСТ1010-78
14	Тумшуқ ости	2	1,5+0,1	Термопласт.м ат.	ТУ1721592-77

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури – Қўнжли ботинка
2. Пойабзал жинси – аёллар
3. Қолип фасони – 8133-У7
4. Қолип тўлалиги –4
5. Бириктириш усули -елимлама
6. Устки материали – хром выростик+суний лак
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрланган – 19116-84
8. Тановар конструкцияси –дастакли, киркма бетликли.
9. Таглик - кожволон
- 10.Пошна – п\у

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфт пойабзал. деталлар сони	Тайёр пойабзалдаги қалинликлар	Материал номи	Материал ДАСТ ёки ТШ
1	Бетлик	2	0,8-1,3	Х\выросток	ГОСТ 939-88
2	Ён дастак	4	0,8-1,3	Х\выросток	ГОСТ 939-88
3	Тилча	2	0,8-1,3	Х\выросток	ГОСТ 939-88
4	Пошна копламаси	2	0,8-1,3	Х\выросток	ГОСТ 939-88
5	Бетлик астари	2	0,9-1,1	Тик саржа	ТУ177284-83
6	Мустахкамлаг ич	2	1,2-1,4	Х.чарм	ГОСТ 939-88
7	Ён дастак остари	4	1,1+0,15	Полу кожни	ГОСТ 940-81
8	Тилча остари	2	1,1+0,15	Полу кожни	ГОСТ940-81
9	Қўйма патак	2	1,2-1,4	Полу кожни	ГОСТ 939-88
10	Бетлик астари	2	0,9-1,1	Тик саржа	ТУ177284-83
11	Дастак оралик астар	4	0,9-1,1	Бўз	ТУ177284-83
12	Блочка орал. астар	4	1,8-2,2	Корд	НТД
13	Таглик	2	3,1-3,5	Кож волон	ОСТ-1722-85
14	Асосий патак	2	1,6-2,1	Чарм	ОСТ-1903-78
15	Биқир дастак	2	1,7+0,1	3чарм	ОСТ-17-22- 85
16	Тумшуқ ости	2	1,5-18	Чарм	ГОСТ461-78
17	Тўлдиргич	2	2-2,1	Кортон	ГОСТ-9542- 73
18	Пошна	2		Пу шалланган	НТД

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури – Қўнжсиз ботинка
2. Пойабзал жинси – эркаклар
3. Қолип фасони – 911228
4. Қолип тўлалиги –4
5. Бириктириш усули -елимлама
6. Устки материали – хром яловка
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрланган – ГОСТ 26167-87
8. Тановар конструкцияси – бетлик ён дастак ва отг
9. Таглик – п\у
- 10.Пошна –

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфт пойабзал. деталлар сони	Тайёр пойабзалдаги қалинликлар	Материал номи	Материал ДАСТ ёки ТШ
1	Овал қистирма	2	0,8-1,5	Х\яловка	ГОСТ 939-88
2	Ички бетлик	2	0,7-1,3	Х\яловка	ГОСТ 939-88
3	Ташқи бетлик	2	0,7-1,3	Х\яловка	ГОСТ 939-88
4	Ён дастак	4	0,7-1,3	Х\яловка	ГОСТ 939-88
5	О.Т.Т	2	0,7-1,3	Х\яловка	ГОСТ 940-81
6	Ён дастак астари	4	0,6-1,2	Полу кожник	ГОСТ940-81
7	Чунтак астари	2	0,6-1,2	Полу кожник	ГОСТ940-81
8	Тилча астари	2	0,6-1,2	Полу кожник	ГОСТ940-81
9	ички патак	2	0,9-1,1	Полу кожник	ГОСТ940-81
10	Бетлик астар	2	0,9-1,1	Бўз	ГОСТ 19196-80
11	Бетлик оралик астари	2	0,9-1,1	Бўз	ГОСТ 19196-80
12	Ён дастак оралик астари	4	0,9-1,1	Бўз	ГОСТ 19196-80
13	Таглик	2	3,2-4,2	Пу	НТД
14	Асосий патак	2	2,0-2,5	Биқир чарм	ГОСТ 1010-78
15	Биқир дастак.	2	1,8-2,0	Термоплас т	ТУ17-958-77
16	Тумшуқ ости	2	1+0,1	Термоплас т	ТУ17-958-73
17	пошна	2	-	шалланган	НТД

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури – ёзги очик туфли
2. Пойабзал жинси – аёллар
3. Қолип фасони – 812240
4. Қолип тўлалиги –4
5. Бириктириш усули -елим
6. Устки материали – хром яловка
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрланган – 26167-84
8. Тановар конструкцияси – бетлик ва ТКТ
9. Таглик –Ғовак резина
- 10.Пошна – ғовакли резина

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфтдаги пойабзал. деталлар сони	Тайёр пойабзалдаги қалинликлар	Материал номи	Материал ДАСТёки ТШ
1	Бетлик	2	0,8-1,5	Х\яловка	ГОСТ 939-88
2	ТКТ	2	0,7-1,3	Х\яловка	ГОСТ 939-88
3	Бетлик астари	2	0,7-1,3	выростка	ГОСТ 940-81
4	ТТК астари	2	0,7-1,3	выростка	ГОСТ940-81
5	Қўйма патак	2	1,2-1,4	нистра	ОСТ192-88
6	Юмшоқ патак	2	3-3,5	Войлок	ГОСТ7259-77
7	Таглик	2	10мм	Ғовак резина	ТУ-А-0619-77
8	Асосий патак	2	2,0	Биқир чарм	ГОСТ1010-78
9	Пошна	2	1,8-2,0	Ғовак резина	ГОСТ9610-78

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури – сандалет
2. Пойабзал жинси – эркак
3. Қолип фасони – 931216
4. Қолип тўлалиги –4
5. Бириктириш усули - елимлама
6. Устки материали – хром полукожник
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрланган – 26167-84
8. Тановар конструкцияси – бетлик +ён дас+гулчин
9. Таглик – чарм
10. Пошна –ғовакли резина

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфт пойабзал. деталлар сони	Таёр пойабзалдаги қалинликлар	Материал номи	Материал ДАСТ ва ТШ
1	Бетлик камари	2	1,0-1,6	Хромли ярим чарм	ГОСТ 939-88
2	Бетлик	2	1,0-1,6	Хромли ярим чарм	ГОСТ 939-88
3	Ён дастак	4	0,9-1,5	Хромли ярим чарм	ГОСТ 939-88
4	ВПР (буйлама кўтарилиш тасма)	2	0,9-1,5	Хромли ярим чарм	ГОСТ 939-88
5	ЧПР (кундаланг кўтарилиш тасма)	2	0,9-1,5	Хромли ярим чарм	ГОСТ 939-88
6	Шлевка	2	0,9-1,5	Хромли ярим Чарм	ГОСТ 939-88
7	ОТТ	2	0,9-1,5	Хромли ярим чарм	ГОСТ 939-88
8	Бетлик ости	2	0,8-1,3	Сунъий чарм	ТУ
9	Ён дастак ости	4	0,8-1,3	Сунъий чарм	ТУ
10	ЧПР ости	2	0,8-1,3	Сунъий чарм	ТУ
11	Қўйма патак	2	0.2-1.3	Выросток(Бўз ок)	ГОСТ 940-81
12	Тўлдиргич	2	3,0-3,5	Войлок	ОСТ17531-75
13	Товон ости	2	0,9-0,2	Пеноплен	ОСТ17530-85
14	Таглик	2	3,3-3,8	Биқир чарм	ГОСТ1010-78
15	Патак асосий	2	1,6-2,4	СЦМ	ОСТ17112-85
16	Пошна	2		Говакли резина	ТУ-А-0619-77
17	Супинатор	2		металл	НТД

Пойабзалга таъриф

1. Пойабзал тури – конжсиз ботинка
2. Пойабзал жинси – эркаклар
3. Қолип фасони – 912229
4. Қолип тўлалиги –4
5. Бириктириш усули - елимлама
6. Устки материали – хром яловка
7. Қуйидаги ДАСТ асосида тайёрланган – 26165-87
8. Тановар конструкцияси – «конверт» усулида
9. Таглик – бикир чарм
10. Пошна –резина ғовакли

Модел паспорти

№	Детал номи	Жуфт пойабзал. деталлар сони	Таёр пойабзалдаги қалинликлар	Материал номи	Материал ДАСТ ОСТ
1	Бетлик	2	0,8-1,5	Хром яловка	ГОСТ 939-88
2	Ташқи бетлик	2	0,7-1,3	Хром яловка	ГОСТ 939-88
3	Ички ён дастак	4	0,7-1,3	Хром яловка	ГОСТ 939-88
4	Ён дастан	2	0,8-1,3	Хром яловка	ГОСТ 939-88
5	Гулчин	2	0,8-1,3	Хром яловка	ГОСТ 939-88
6	Ён дастак астари	4	0,8-1,3	полукожник	ГОСТ 939-81
7	Тилча астари	2	0,18-1,3	полукожник	ГОСТ 939-81
8	Чунтак	2	0,6-1,2	полукожник	ГОСТ 940-81
9	Ярим қўйма патак	4	0,6-1,2	полукожник	ГОСТ 940-81
10	Бетлик астари	2	0,6-1,2	Тик-саржа	ГОСТ19196-80
11	Юмшоқ товон ости	2	1,1-1,3	пенопен	ОСТ17530-85
12	Таглик	2	3,8	Биқир чарм	ГОСТ1010-78
13	Асосий патак	2	1,8-2,4	СЦМ	ОСТ17112-85
14	Биқир дастак	2	1,8-2	Термопласт.	ТУ17958-73
15	Тумшуқ ости	2	1+0,1	Термопласт.	ТУ17958-73
16	Пошна	2	1,8-2,0	Говак резина	ТУ-А-0619-77

2.Пойабзал устки ва таглик асосий материалларига тавсиф

Асосий материалларга тавсиф беришда уни физик -механик курсаткичларидан ташкари материалларни кандай куринишда омборхонага ва бичув цехини омборхонасига келиб тушиши « Чарм ларни ўрта майдони суний материалларни тушалган каватлар сони тушалган материаллар ўзунлиги пластина майдони х.к».

Тавсиф беришда асос килиб пойабзал таърифи ва пойабзал паспорти олинади.

Бунда структура шаклида жадвал булиб материаллар тури бўйича кетма – кетлиги ёзилади.

Пойабзал устки материали ва детали структура жадвали

4 жадвал

№	Пойабзал жинси ва тури	Бирикти риш усули	Смена куввати	Устки	Чарм астар	Асосий астар	Оралик астар	Бочки
1	Аёллар қўнжи калта этиги	Елим	550	Хром яловка	Бўзок (выросток)	Мех байка	-	-
2	Аёллар ёзги туфлиси	Елим	550	Хром бўзок	Бўзок (выросток)	-	-	-
3	Болалар қўнжсиз батинкаси	Елим	750	Хром бўзок	Ярим чарм (полукож)	Тик- саржа	-	-
4	Аёллар қўнжсиз батинкаси	Елим	650	Хром бўзок	Ярим чарм (полукож)	Тик- саржа	Бўз	корд
5	Эркаклар қўнжсиз батинкаси	Елим	600	Хром сигир (яловка)	Ярим чарм (полукож)	Бўз	Бўз	Бўз
6	Аёллар ёзги очик туфлиси	Елим	800	Хром сигир (яловка)	Бўзок (выросток)	Нистра	-	Байка
7	Эркаклар сандаleti	Елим	650	Хром ярим чарм	Бўзок (выросток)	И/к	-	ватин
8	Эркаклар қўнжсиз батинкаси	Елим	800	Хром сигир (яловка)	Ярим чарм Полукож	Тик- саржа	-	-

Пойабзал таг материали ва деталларни структура жадвали

4а-жадвали

№	Пойабзал жинси ва тури	Бирик тириш усули	Смена куввати	Номланиши									
				таглик	патак	Ич.патак	Тўлдир гич	Бикир дастак	Пошна	Тумшук ости	Супи натор	Товон ости	Таглик оралик таг.
1	Аёллар қўнжи калта этиги	Елимлама	550	Кожволон	Чарм	Кож\к	кортон	Чарм	Поли олид	Чарм	Метал	-	-
2	Аёллар ёзги туфлиси	Елимлама	550	Кожволон	Чарм	-	-	-	-	-	-	-	-
3	Болалар қўнжли ботинкаси	Елимлама	750	Резина	Чарм	-	кортон	Чарм	-	терма	-	-	-
4	Аёллар полуботинкаси	Елимлама	650	Кожволон	Чарм	-	кортон	Чарм	Пласт масса	Чарм	-	-	-
5	Эркаклар полу ботинкаси	Елимлама	600	П/у	Чарм	-	-	терма	резина	Тер	-	-	-
6	Аёллар ёзги очик туфлиси	Елимлама	800	Резина	Чарм	Войлун	-	-	Говд	-	-	-	-
7	Эркаклар сандаleti	Елимлама	650	Чарм	СЦМ	Вырыс	войлун	-	Говд	-	Метал	Пеноп лен	-
8	Эркаклар полу батинкаси	Елимлама	800	Чарм	СЦМ	-	-	терма	резина	тер	-	чикинд и	-

Пойабзал устки, астарлик ва таглик материалларига тавсиф.

Пойабзал устки детали учун хром чармлари

Хром чармлари эластиклиги, юмшоқлиги, Буг ва хаво утказувчанлиги ва ташқи куриниши чиройлилиги билан алохида ажралиб туриди. Хом-ашё турига караб уларни хромли упука, кулбола, бўзок новос буқача – буқа, шевра хромланган эчки чучка велюр нубук замша ва бошка турларга булинади. Пойабзал устки деталлари учун ишлатиладиган чармлар юмшоқ яхши ишланган бир текисда буйалган ва бутун майдони бир- хил қалинликга эга булиши керак.

Хромланган упука ёши олти ойдан ошмаган майдони $45-100\text{дм}^2$ упуканинг юзаси силлик, мойсимон зичлиги катта юмшоқ чўзилувчан булади. Қалинлиги $0,5-1,4\text{мм}$ булади. Упукадан асосан аёллар ва эркаклар модели пойабзали учун ишлатилади.

Кул бола бўзок – 1 ёшли майдони $90-150\text{дм}^2$ хромланган кул бола бўзок терисидан тайёрланган аёллар эркаклар ва болалар пойабзали учун ишлатилади.

Хромланган ярим тана (Полу кожник) ёши $1-1,5$ майдони $120-200\text{дм}^2$ ташқи куриниши ва хусусиятига тана энг катта $180-350\text{дм}^2$ бўлган сигир терисидан тайёрлагнади. Хромланган ярим тана асосан эркаклар пойабзали учун ишлатилади. Сигир терисидан тайёрланган чармлардан спилок олинади.

Хўкиз ва буқа. Энг катта ва қалин чармлар олинади унинг майдони $200-400\text{дм}^2$ ташқил этади. Бу чармлардан этик ва батинкалар тайёрланади, ҳамда спилок олишда кулланилади.

Хромланган шеврони – эчки терисидан олинади. Шевро юзасининг сирти жуда чиройли юмшоқ чўзилувчан булади. Хромланган эчки териси кайшкок шунинг учун улардан тайёрланган буюмлар ўз шаклини тезрок йукотади. Хоссаларига кура шевро модели пойабзал тикиш учун энг яхши чарм хисобланади.

Пойабзал устки чармларини кисми учун ишлатиладиган хром чармларининг химик таркиби ва физикавий механик хусусиятларига куйиладиган талаблар, системаларига куйиладиган талаблар «ГОСТ» билан белгиланади. Бунда дастлабки хом- аше тури ва юза сиртининг пардозланишига караб куйидаги курсатгичлар кўзда тутилади. Намлик 12-16 фоиз органик эритувчилар ювиб кетадиган моддалар тарки 3.7, 12% (Абсалут курук массада) хром оксиди микдори- йирик кора мол от чучка чармлари учун 4.3 дан кам эмас хром эчки териси ва шевро учун 3.7. шевро-3,3: чўзилишидаги мустахкамлигини максимал чегараси партия буйига ўртачаси –13дан $25\text{н}\text{мм}^2$ кучланишдаги чўзилиши $10\text{н}\text{мм}^2$ партия бўйича ўртачаси хром эчки териси ва шевро учун 15-35% атрофида опоек веллюр ва нубук учун 20-35%, 20-40% пойабзал устки кисми учун ишлатиладиган хромли чармларнинг бошка турларига 15-25% юза каватида дарс кетиш яни синиш хосил булишида минимал кучланиш партия бўйича ўртача $10\text{н}\text{мм}^2$ дан $20\text{н}\text{мм}^2$ гача булиши керак.

Пойабзал усти учун ишлатиладиган хромли чармнинг катор турларининг сифат курсатгичлари тегишли «ТШ» билан меёрланган.

Локланган чарм,

Локсимон чарм хромли чарм юзасига лок коплмасини коплама оркали ялтирок юза хосил килинган чармдир. Дастлабки хром -аше турига йирик кора мол чарм ва эчки чармидан тайёрланган чармлар фаркланади. Чиройли ташқи куриниши ялтирок юза нафис ва эгилувчан табиий материалга эга бўлган лакланган чармнинг бу тури аёлларнинг нафис пойабзалига тайёрлашда ишлатилади.

Локланган чарм сифатини бахолашда лок коплмаси хусусиятлари ва унинг чарм билан бирикиш мустахкамлиги хал килувчи ахамиятга эга.

Локланган чармнинг мухим курсатгичи лок коплмасининг куп марта эгилишига чидамлигидир. Локланган чарм саклаш пайтида ўзгармаслиги керак ва пойабзални эксплуатация даврида ёрилмаслиги ва гижимланмаслиги керак. У чиройли ташқи куринишга эга булиши керак.

Астарлик чармлар.

Астарлик чармлар қуйидаги турларга булинади. Дастлабки хом- ашё турига кура-астарлик упуки кулбола бўзок (Выросток) полукожник, яловка бычина, козлинка, овчина, чучка чарми , от чарми ва бошқалар шунингдек спилок киради.

Конфигурациясига кура варотокларсиз яхлит чармлар яловка, бычок ёки бичина, воротокли ва воротоксиз умурткали чизиги бўйича ёки кундалагига кесилган полукожа: чепраклар: рыба- отни олд қисмига булинади.

Стандарт нуктадаги қалинлигига кура –0,6дан 1,0 мм 1,0мм дан юкори то 1,5мм гача бўлган қалинликдаги чармлар.

- майдонинг улчамлари бўйича майдони 20дан 140дм² ва ундан катта бўлган 6 гуруҳ: навлари бўйича 4 новга (I,II,III, ва IV) булинади.

Астарлик пойабзал чармлари эластик ва юмшоқ булиши керак ва шунингдек текис бўлган пардозланган томонида доғлар булмаслиги керак. Копламали буялган чармлар мурт ёпишкок булмаслиги керак. Чарм буёғи курук ва нам холда ишқаланишга чидамли булиши керак. Тукли астарлик чармлар калта тукли булади. Майдони 80 дм² дан катта бўлган астарлик чармлар воротокда 0,7мм дан кам булмаган ва полада 0,8 мм дан кам булмаган қалинликда булиши зарур.

Астарлик чарм хусусиятлари асосан дастлабки хом-ашё тури билан аникланади: йирик корамол астарлик чармлари юкори зичлик ва мустахкамликка эга куй терисидан тайёрланган астарликчармларнинг зичлиги вამустахкамлиги паст чармлар ҳам кулланилади.

Тўқима ва сунъий материаллар.

Бўз-ни газламалар ассортиментида кириб прејскурант бўйича 2 гурух газламаларини ташқил этади. Унинг артикули 100-120 гача. Артикул бу шартли ёки белги бўлиб, у бир-биридан структураси ёки хусусиятининг курсаткичи билан фаркланади. Хар -бир газламага берилади. Прејскурант билан фаркланади. Хар- бир артикулга кискача характеристика билан берилади. Бўз читга нисбатан огир газлама хисобланади. У чизикли зичлиги танда бўйича 20-25, аркок бўйича 29 текст ишлаб чиқарилади. 1м² газлама массаси 140-150 гр танда бўйича чизикли зичлиги тўлдириш 50-53 % аркок бўйига 45-48%.

Байка-2 томонлама урилишда тукилган қалин ва огир газлама бўлиб 2 томонлама тараб чиқилади. Жунларикалта булади. Хом ва сидирга тарзда ишлаб чиқилади. 1м² огирлиги 300-360, касалхонада ишлатиладиган халатлар, чангичиларнинг кастюмлари уйда кийиладиган қишки пойабзалларнинг сирти учун ҳам ишлатилади.

Тик-саржа.

Бу саржа уралишда тукилган тик газламасидир. Тик бу ўрта ва юкори чизикли зичлигдаги иплик ёки кушиб ешилган калава иплардан тукилган гул босилган ёки йул -йул газлама. Юкори зичликка эга, юза зичлиги 130-240г/м² эни 65-150 дан иборатдир.

Нотўқима материаллар.

Пойабзалга ишлатиладиган нотўқима материаллардан синтетик ёки вискоза толаларидан ишлаб чиқарилади. Булар ипак нотўқима материал бўлиб уй пойабзалининг устки кисми учун ишлатилади. Жун нотўқима материаллари тикиш, кавиш йули билан жун ва вискоза толаларини капрон гипюри билан тикиш йули билан ҳам олинади.

Оралик деталари учун елимли нотўқима материаллар ишлатилади. Уларнинг мустахкамлиги юкори, чўзилувчан, рантни тагликлар учун тайёрлашда уч каватлик кирза ишлатилади, нотикима материаллари артикули 6 хонали ракам билан белгиланади.

Сунъий муйна.

Пойабзал учун юзга якин артикулларда турли структура ташқи куриниши ва хусусияти ва сунъий муйналар ишлатилади. Асосан калта тукли муйна ишлатилади. У сувни ўзидаги намни ютмаслик ва гижимланмаслиги учун махсус ишлов берилади.

Сунъий муйна ишлаб чиқаришда грунд учун пахта калава ипи ва тукиш учун тури толали ва иплар ишлатилади. Газлама асосли муйна тури ишлатилиш мақсадига қараб 58....135см энли, юза зичлиги эса 360....700 г/м² бўлади. Муйна сидирга ёки турли рангларга бўялган бўлиши мумкин. Сунъий муйна куп кулланилишининг сабаби унинг чиройли ташқи куриниши, елимлиги ишқаланишга юкори чидамлийлиги, табиий муйнага нисбатан анча арзонлигидир.

Корд-пойабзалнинг оралик деталлари учун ишлатилади. Унинг бу модели корд велвед-корд турлари бор. Корд оралик астар ёки ёндор қисимлар учун кулланилади.

Сунъий лок.

Сунъий (поливинилхлоридли) лок ўз хусусиятлари бўйича ғоваксиз текис. Сунъий лок асосий хусусияти локни юмшоқлиги, юзаси текислиги, юза қисмини ялтироқлиги ва копламасини қалинлигидир (тўқима материалларини асосини бириктириш учун).

Сунъий материални очик турда пойабзалда ва этикларда ишлатилади.

Сунъий лок тури бўйича лок коплама, лок поливинилхлорид копламали юза қисмини полиэфир уретанли смола кулланилади.

Пойабзал таглик деталлари учун ишлатиладиган чармлар.

Бу гурухга каттикликга бикирликга эга бўлган чармлар киради. Улардан таглик патак, бикир дастак, тумшуқ ости ,флик ва рантлар олиш учун ишлатилади. 3,10мм ундан юкори қалин бўлган чармлар таглиги учун, 3,05 ва ундан юпка бўлган чармлар патаклик учун ишлатилади. Таглик чармлар курук ва хул ишкаланишига, букилишга, сикилишга ва чўзишдаги дефармацияга чидамли булиши керак. Патаклик чармларда ишкаланишга, терлашга ва юкори температурага чидамлилиқ хусусиятлари талаб килинади.

Таг деталлар учун ишлатиладиган чармларнинг авзаллиги уларга ишлов бериш онсонлиги, гигиеник хусусиятлари сунъий ва синтетик материалларига нисбатан яхшилигидир.

Камчилиги эса тез нам тортади ишкаланишга чидамлилиги сунъий материалларга нисбатан кичиклиги ва юзаси бир хиллигидир.

Елимли бириктириш усулида таёрланадиган таг деталлари учун чармлар йирик шакли кора мол отнинг хаз кисми 100дм дан юкори бўлган, чучка огирлиги 22кг дан юкори бўлган ва туя терисидан олинади. Пойабзал таг деталлари учун ишлатиладиган тўзилишига кура гардон, ярим гардон этак, воротокларга булинади. Улардан қалинликлари бўйича 6 категорияда чармлар ишлаб чикилади. Шундан биринчи 4 таси (3,6-5мм) таглик учун колган 2 таси категориялар (1,6-3,5мм) патаклик ва бошка деталлар учун ишлатилади. Синтетик чарм-СГ-4 бу синтетик чарм нотўкима мато асосида нитроизопринли каучук ва поливинилхлорид аралашмасига шимдириб ишлаб чикилади. Материал ровон тўзулишга эга буг утказувчанлиги ва чўзилишга чидамлилиги юкори,сунъий чармларни намлашда пардозлаш учун фойдаланилган полимер номининг кискартмалардан фойдаланаётган яни чармнинг турига караб поливинил чармни – винил каучукли чармни элеста нитроцел мазоли-нитрополиомидли чармни аник, полиэфируретонли ва хоказо булиши мумкин.

Асосига кура чармлар Т-читли ТР- трикотаж ва НТ – нотўкима матоларга булинади. Ишкаланиш ва бошка хусусиятлари эса яни пойабзал

астарликишкаланишга чидамлилиги, совукка чидамли ва х.к курсаткичлари алохида курсатилади.

Сунъий чармнинг механик хоссалари характерлайди. Яни пойабзал ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар бажариш (чўзилиш, шаклланиш) ва истеъмолчилик хусусиятларини (ўзokka чидамлилик шаклини ушлаб туриш) таъминлайди. Сунъий чармларнинг асосий камчилиги уларнинг анизотроплигидир. Яни чўзилувчанлиги ва асос бўйича ўзайиши 10-40% ни ташкил этади. Бу эса чармга нисбатан бир неча баробар камдир. Бунинг сунъий чармдан бичилган деталларнинг намлантиришни кийинлаштиради, ҳамда куп марта букилиш чидамлилигини пасайтиради. Бундай чармлардан кулпоп, сумка, этикнинг қўнжи ва камар учун ишлатилади. Сунъий чарм ассортименти турли хил бўлиб Фан техника ва чарм саноатининг ривожланиши натижасида кенгайтириб бормокда. Сунъий материаллар қалинликлари бўйига 34 гурухга булинади (0,2;5,6мм) булади. 1-9 гурух чармларнинг гурухи орасидаги фарк +0,05мм 10-34 гурух чармларнинг фарки эса 0,1 бўлиши мумкин.

